



1918-yil
21-iyundan chiqq
boshlagan

№36, 2021-yil 8-sentabr,
chorshanba (32.678)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi

O'zbekiston OVOZI



МАҚСУДА ВОРИСОВА 1961 йилда тошкент шаҳрида туғилган. маълумоти – олий. 1984 йили тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. мутахассислиги – шифокор. оилали, уч нафар фарзанди бор. ўзбекистон хдп аъзоси. у қатъий сиёсий иродага эга, жамият манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйишдек фазилят соҳибаси, фидойи раҳбар сифатида партиянинг кўп минг сонли аъзолари ва халқимиз ўртасида катта ҳурмат ва эътиборга эга. мақсуда ворисова халқ демократик партиясининг электорати бўлган эҳтиёжманд фуқароларни сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича бирламчи бўлинда узоқ йиллар фидойилик кўрсатган. унинг таклифлари ва шахсий ташаббуси асосида олий мажлис қонунчилик палатасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича парламент комиссияси ташкил қилинган. ўзбекистон халқ демократик партияси фракцияси ушбу комиссияни самарали фаолият олиб боришга масъул этиб белгиланган.

АНИҚ МАҚСАД, КУЧЛИ АЪЗОЛАР ВА КАТТА ИШОНЧ БИЛАН

2



ИРОДАЛИ ВА
МАТОНАТЛИ
СПОРТЧИ-
ЛАРИМИЗ
ТАҚДИРЛАНДИ

6

"БУ САЙЛОВ БАРЧАМИЗ УЧУН ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛГУСИ ТАРАҚҚИЁТИ ҚАНДАЙ ЙЎЛДАН БОРАДИ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ, ОИЛАМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИ ҚАНДАЙ БАРПО ЭТАМИЗ, ДЕГАН ҲАЛ ҚИЛУВЧИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ҒОЯТ МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИРДИР. ШУНИНГ УЧУН УШБУ СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА КўП МИЛЛАТЛИ ХАЛҚИМИЗ ҲАМ, ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ҲАМ КАТТА ҚИЗИҚИШ ВА ЭЪТИБОР БИЛАН ҚАРАМОҚДА".

Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ,
Марказий сайлов комиссияси раиси.

Номзоднинг Сайловолди дастури партиянинг
сиёсий платформасига асосланган.

8-sentabr, chorshanba, 2021-yil.
№36 (32678)

АНИҚ МАҚСАД, КУЧЛИ АЪЗОЛАР



**2021 йил
6 СЕНТЯБРЬ.
ПОЙТАХТИМИЗДАГИ
МУҲТАШАМ
ЗАЛЛАРДАН БИРИ.
97 НАФАР ДЕЛЕГАТ
АЪЗОЛАРИ, ЯНА
КЎПЛАБ ТАРАФДОРЛАР,
ХАЙРИХОҲЛАР, ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛОВЧИЛАР,
ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ,
УМУМАН, МАМЛАКАТ ҲАЁТИДАГИ
МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕЛИККА
БЕФАРҚ БЎЛМАГАН КИШИЛАР
ДАВРАСИ... ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ
БУ ГАЛГИ ҚУРУЛТОЙИ
ПРЕЗИДЕНТЛИККА
НОМЗОДНИ ТАСДИҚЛАШ
МАРОСИМИ СИФАТИДА
ТАРИХДА
ҚОЛАДИГАН
БЎЛДИ.**

Халқ демократик партияси сайловга бутунлай янги ғоялар билан кириб келди. Унинг номзоди аёл киши бўлганининг ўзиёқ, жараёнларнинг изчил тўс олишига, қизгин муҳокамаларга ҳамда маҳаллий ва халқаро экспертларнинг диққатини тортишга асос бўлди. Партиянинг ғалабага бўлган иштиёқи, интилиши ва кутаётган натижалари юксак. Ушбу интилиш ҳар бир партия аъзосининг хатти-ҳаракатлари ва сўзларида мужассам.

Соат 11:00. Маросим бошланди. Қурултойни **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов** очиб берди ва олиб борди. Қисқа кириш сўзидан сўнг, кун тартибидagi масалалар муҳокамасига ўтилди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўрисидаги масала атрофлича муҳокама қилинди.

Партия Марказий Кенгашининг **7 август кuni бўлиб ўтган пленумида** Халқ демократик партиясидан ЎзХДП Марказий Кенгаши раис ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Мақсуда Азизовна Ворисова** номзодини **илгари суриш** ҳақида қарор қабул қилган эди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16, 63-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат сўраб, Марказий сайлов комиссиясига ҳужжатларни топширди. Ҳужжатларни ўрганиб чиққан Марказий сайлов комиссияси ЎзХДПнинг 2021 йил 24 октябрь кuni бўлиб ўтадиган Президент сайловида иштирок этиши учун ижозат берди.

Мақсуда Ворисова 1961 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти – олий. 1984 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги – шифокор. Оилали, уч нафар фарзанди бор. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

У қатъий сиёсий иродага эга, жамият манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйишдек фазилат соҳибаси, фидойи раҳбар сифатида партиянинг кўп минг сонли аъзолари ва халқимиз ўртасида катта ҳурмат ва эътиборга эга.

Мақсуда Ворисова Халқ демократик партиясининг электорати бўлган эҳтиёжманд фуқароларни сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича бирламчи бўғинда узок йиллар фидойилик кўрсатган.

Унинг таклифлари ва шахсий ташаббуси

асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳаётга тadbик этиш бўйича парламент комиссияси ташкил қилинган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ушбу комиссияни самарали фаолият олиб боришга масъул этиб белгиланган.

Мақсуда Ворисова кўп йиллик депутатлик, сенаторлик фаолияти давомида давлат ва жамият бошқаруви, ички ва ташқи сиёсат, ҳуқуқ ва ижтимоий ҳимоя масалаларида улкан тажриба тўплаган, халқ ҳақида ғамхўрлик қилувчи, тажрибали сиёсатчи аёллардан биридир.

Қурултойда номзод масаласи бўйича бир қатор фикр-мулоҳазалар тингланди. Муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Президенти сайловида Халқ демократик партиясидан Мақсуда Азизовна Ворисовани номзод сифатида кўрсатиш ҳақида яқдил қарор қабул қилинди.

М.Ворисованинг Президент сайловида номзод сифатида кўрсатилиши партия тарихида янги саҳифа очади, у Халқ демократик партиясидан Президентлик учун биринчи аёл номзод бўлади.

...партия ғоялари, логотипи туширилган катта ёзувли баннер яқинида Мақсуда Ворисова ёлғиз ўтириб, нутқини жиддий кўздан кечирмокда.

Бу ўша – турли йиғилиш ва муҳокамаларда жон куйдириб гапирадиган, айниқса, тиббиёт соҳасида охириги беш-ўн йилликда қабул қилинган қо



**МАҚСУДА ВОРИСОВА
КЎП ЙИЛЛИК
ДЕПУТАТЛИК,
СЕНАТОРЛИК
ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
БОШҚАРУВИ, ИЧКИ ВА
ТАШҚИ СИЁСАТ, ҲУҚУҚ
ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ
МАСАЛАЛАРИДА УЛКАН
ТАЖРИБА ТЎПЛАГАН,
ХАЛҚ ҲАҚИДА
ҒАМХЎРЛИК ҚИЛУВЧИ,
ТАЖРИБАЛИ СИЁСАТЧИ
АЁЛЛАРДАН БИРИДИР.**

нунлар онаси, ташаббускори Мақсуда Ворисова эди.

**НОМЗОД ЎРНАТИЛГАН
ҚОЙДАЛАРНИ БУЗИБ
ТАШЛАДИ**

Таомилга кўра, кун тартибидagi масала бўйича маъруза қилиш, яъни, ўз сайловолди дастурини эълон қилиш учун Мақсуда Ворисовага сўз берилди.

Мақсуда Ворисова вазмин қадам ташлаб минбарга кўтарилди. Бир қўлидаги қоғозларга қаради, бир издиҳомга қараб олди ва сўз бошлади. ХДП сайлов штаби ўзига хос **сюприз** тайёрлаб қўйган экан.

Номзод, одатда партия сайлов штаби томонидан тайёрлаб берилган ва ўз дастури баёнидан иборат текстни ўқиб бериши кутилган эди. Воқеалар ривожига мутлақо бошқача бўлиб кетди.

Мақсуда Ворисова ўз дастурини янада кенгайтирилган, аниқ мисоллар билан бойитилган, раво нутқ ҳолатига келтирилган тарзда тақдим этди.

Кутилмаган юриш, ўйланган ғоя. Ҳар ҳолда минбарга чиқиб дастурни бандма-банд ўқиб беришдан кўра, шуниси яхшироқ.

**ДАСТУР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА
ИЗОҲ**

Президентликка номзод ўзининг 9 қисм, 115 банддан иборат сайловолди дастурининг асосий жиҳатларига тўхталар экан, энг аввало, барча иқтисодий ресурслар халқ учун, давлат учун эканлигига урғу берди. Нутқнинг энг ёрқин жиҳатларидан бири мана шу.

Шунингдек, "Ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат ва жамият барпо этиш Халқ демократик партиясининг бош мақсади ҳисобланади. Бу мақсад, биринчи навбатда, аҳоли кенг қатламлари фаровонлиги таъминланишини назарда тутати. Ҳар бир оила ўзининг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларини қондириши, қулай уй-жой, узлуксиз энергия таъминоти, табиий газ ва ичимлик суви, сифатли озиқ-овқат, замонавий таълим ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиши учун етадиган даромад манбаига эга бўлмоғи керак, деб ҳисоблайман", деди Мақсуда Ворисова ўз нуктида.

Айтиш жоизки, Мақсуда Ворисованинг нутқи тўсатдан пайдо бўлиб қолган, айнан шу кампания учун ўйлаб топилган фикрлар мажмуи эмас. Дастур ва шу асосда сўзланган нутқ ХДПнинг йиллар давомида шаклланган, сайқаланган ғоя ва мақсадларини тўла мужассам қилади.

Қуйида дастурда кўтарилган асосий масалалар ва ушбу дастур муҳокамасига бағишланган мажлисда Мақсуда Ворисова сўзлаган нутқ ҳақида тўхталамиз.

**ЭСКИРМАЙДИГАН СИЁСАТ –
КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ
ЮРИТИШ**

"Кучли ижтимоий сиёсат" ғояси ХДПнинг энг асосий, ўзгармас ва доимий равишда илгари сурадиган ғояси ҳисобланади.

Бу борада Мақсуда Ворисова гапнинг пўсткалласини дангал айтди: "Ҳар бир ўзбекистонлик салоҳиятини рўёбга чиқариши учун тенг имкониятлар яратиш асосий вазифам, деб биламан. Оилалар фаровонлигининг ўсишини, болалар учун бахтли болалиқни, ёш авлоднинг ишончли келажагини ва қарияларга ғамхўрлик қилишни таъминлаш борасидаги таклифларни илгари сурияман. Аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юритиш дастурининг асосларидан биридир. Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни таъминлашга қаратилган фаолият **етарли эмас, деб ҳисоблайман**".

Хўш, вазиятдан чиқиш учун нималар қилиниши зарур?

Номзод ўз нутқида шуларга эътибор қаратди. Жами 22 та банддан иборат бу таклифларнинг айримларини келтириб ўтамыз.

«Иқтисодий ресурслар барча учун!»

8-sentabr, chorshanba, 2021-yil.
№36 (32678)

ВА КАТТА ИШОНЧ БИЛАН

Булар:
- аҳолининг даромадига қараб табака-лаштирилган солиқ солиш тизимини жорий этиш;
- олис ва чекка ҳудудларда шифокорлар ҳамда ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун “Қишлоқ шифокори” ва “Қишлоқ ўқитувчиси” дастурларини амалга ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини қонунчилик асосида мустаҳкамлаш;
- аҳолининг кам таъминланган қатламларига бепул, сифатли ва тўлақонли бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш;
- ногиронлиги бўлган шахсларга оид халқаро меъёрлар ва стандартларни миллий қонунчиликка жорий қилиш.

ИҚТИСОДИЁТ ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИККА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ ЗАРУР
Бу йўналиш айни кунда интернетда фаол муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, кимлардир буни совет ностальгиясига боғлаётган бўлса, бошқалар масалага соғлом кўз билан қараб, тўғри танлов эканига урғу қаратишмоқда.
Хўш, аслида гап нимада? Нега, Президентликка номзод бу ғояларни илгари суришни ихтиёр қилган?
Қисқа қилиб айтганда, мамлакатда **бир ҳовуч олигархлар пайдо бўлишига йўл қўйилмайди**, деган собит қарашлар, ниятлар бор мазкур ғоя замирида. Мамлакатдаги ресурслар камчилик қўлида тўпланишига тоқат қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайди Мақсуда Ворисова.

Бундан ташқари, иқтисодий ўсиш барқарор бўлиши учун қатъий, лекин мувозанатли макроиқтисодий сиёсат юритилиши керак. Дастурда бюджет харажатларини оптималлаштириш, самарасиз имтиёзлар ва субсидияларни бекор қилиш, паст инфляция ва сўмнинг эркин курсини сақлаб қолиш белгиланган. Миллий бойликлар адолатли тақсимланишини таъминлаш бўйича қарорлар қабул қилинади.
Умуман, келгуси 5 йилликда камбағал аҳоли қатламлари улушини камида 2 баробар қисқартириш, 2030 йилга қадар фуқароларнинг ўта камбағал ҳолатда кун кечиришига барҳам бериш бўйича чораларни кўриш зарур. Стратегик аҳамиятга эга корхоналарда давлат улушини 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда сақлаш аҳоли иш ўринлари ва даромадларини кафолатлаш, иқтисодиётда мувозанатни таъминлашга асос бўлади.
Бундан ташқари, хорижда меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳожирлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида, шунингдек, ҳақ-ҳуқуқлари тартибга солинмаган, ўз-ўзича ишлаб келаётган фуқаролар манфаатларини кўзлаб ёлланма ишчилар ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунларини қабул қилишга эҳтиёж бор, дея таъкидлади Мақсуда Ворисова.
Мухтасар айтганда, номзоднинг фикрича, келгуси 5 йилда давлатнинг асосий вазифаси аҳоли бандлиги ва реал даромадларини оширишдан иборат бўлиши керак.

ОЗИҚ-ОВҚАТ, ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРГА НАЗАР
Президентликка номзод Мақсуда Ворисова илгари сурган сайловолди дастурининг учинчи йўналиши, менинг назаримда, бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво сиёсатида давлатнинг аралашувини тартибга солишни назарда тутди.
Унинг фикрича, нархлар сунъий равишда оширилиб юборилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, асосий озиқ-овқатлар нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш лозим. Шунингдек, аҳолининг кам даромадли қатламларини ҳаёт учун зарур арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш зарур.
Яна бир диққатга сазовор жиҳат, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нобуд қилинишининг олдини олиш мақсадида, агрофирмалар орқали маҳсулотларни сотиб олиш, сақлаш ва экспортни йўлга қўйиш тартибини ўрнатиш лозим, деди Мақсуда Ворисова.
Бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги энг оғриқли муаммолардан бири, яъни фермерларнинг банк айланма маблағи камлиги, нақд пул орқали ишлашга мойиллик кучли эканлиги маълум. Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида, фермерлар учун банк хизматларининг рағбатлантирувчи усулларини жорий этиш кераклигини билдирди.

УЙ-ЖОЙЛАРДАГИ ВАЗИЯТНИ ЎНГЛАШ ЛОЗИМ
Уй-жой масаласи бир неча йиллардан бери жамиятимизнинг энг ўткир муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Амалга оширилаётган қурилишлар қўлами халқ эҳтиёжини қондирар олмайди. Аҳолимиз йилгига 700 минг нафардан оптиққа кўпаймоқда. Ҳар йили 300 минг янги оила қурилкоқда. Буларни инобатга

“**ҲОЗИРДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БИЛАН БОЛАЛАР ТЎЛИҚ ҚАМРАБ ОЛИНМАГАН. РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА УМУМИЙ ҚАМРОВ 60,9 ФОИЗДАН ОШМАЙДИ. ШАҲАР, ТУМАН МАРКАЗИ БЎЛМАГАН ҲУДУДЛАРДА ҚАМРОВ ДАРАЖАСИ 20-40 ФОИЗДАН ЮҚОРИ ЭМАС. БУ ЭСА БОЛАЛАР ҲАЁТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ ТЕНГСИЗЛИКДАН ЖАБР КЎРИШЛАРИ МУМКИНЛИГИНИ АНГЛАТАДИ.**

олиб, аҳолини уй-жой билан таъминлашни яхшилаш асосий мақсадларимдан биридир, деди Мақсуда Ворисова.
Бунда оғир ижтимоий аҳволдаги оилалар жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногирон фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар учун ижтимоий турар жойлар (муниципал уйлар) қуриш, муҳтож оилаларга эгалик, мерос ва сотиш ҳуқуқисиз, коммунал тўловларни тўлаш шарти билан бепул бериш тартибини йўлга қўйиш таклифи илгари сурилмоқда.
Шунингдек, коммунал хизматлар тизимида юзага келган хаос, тартибсизлиқни бартараф этиш мақсадида, аҳоли ва таъминотчи ўртасида тузиладиган шартномалар тўлиқ қайта кўриб чиқилиши ва юридик ҳужжат мақоми берилиши керак, деди Мақсуда Ворисова.

ТИББИЁТ КЕСКИН ЎЗГАРИШИ ШАРТ
Мақсуда Ворисованинг асли касби шифокор. Шунинг учун ҳам ўз нутқида, сайловолди дастурида бешинчи йўналиш сифатида қайд этилган масалаларга алоҳида ва атрофлича тўхталди.
Хусусан, унинг қатъий фикрича, пандемия замонавий соғлиқни сақлаш тизимидаги камчиликларни очиб берди. Шу боис соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга ҳалақат бераётган тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриш зарур. Мамлакатнинг барча ҳудудларида тиббий хизмат кўрсатишда бир хил шароит ва кафолатлар берилиши шарт.
Барча тиббиёт муассасаларида **бепул** тақдим этиладиган, давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар рўйхатини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш, соҳада малакали кадрлар, янги ускуналар, ташхис ва даволаш усуллари билан таъминлаш бўйича ҳал қилувчи чоралар зарур. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда “аҳоли жон бошига” ва “даволанган ҳолат учун” тамойилларини жорий этиш керак.

Энг асосий жиҳатлар, соҳада молиялаштириш, кадрлар тайёрлаш, муносиб иш ҳақи билан таъминлаш тартиби мутлақо ўзгариши шарт, деб ҳисоблайди Мақсуда Ворисова. Олис ва чекка ҳудудларда шифокорларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун “Қишлоқ шифокори” дастури амалга оширилиши лозим, дея таъкидлади номзод ўз нутқида.
Бундан ташқари, мактабгача таълим, мактаблар ва ўрта махсус таълим ташкилотларида “Соғлом ҳаёт” дастури бўйича факультатив курслар ташкил этилиши, дори-дармонлар нархларининг устидан қатъий назорат ўрнатилиши лозим.

ЁШЛАР МАСАЛАСИ
Ўзбекистон – аҳолисининг мутлақ кўпчилик қисми ёшларни ташкил этадиган мамлакат. Шу маънода, партиямиздан Президентликка номзод Мақсуда Ворисова ўз дастурида ёшлар билан боғлиқ масалаларни алоҳида йўналиш сифатида қайд этиб, бир қатор жиддий таклифларни илгари сурди.
Ҳозирда мактабгача таълим билан болалар тўлиқ қамраб олинмаган. Республика бўйича умумий қамров 60,9 фоиздан ошмайди. Шаҳар, туман маркази бўлмаган ҳудудларда қамров даражаси 20-40 фоиздан юқори эмас. Бу эса болалар ҳаётининг дастлабки йиллари-

дан бошлаб тенгсизликдан жабр кўришлари мумкинлигини англатади.
Мақсуда Ворисова ўз нутқида шу масалаларга эътибор қаратди ва бунинг олдини олиш учун 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни **бепул 100 фоиз мактабгача таълим билан қамраб олишга эришиш** лозимлиги-га урғу қаратди.
Бундан ташқари, мактабгача таълим тизимида талаба, ишлаш истаги бор оналарнинг фарзандлари учун болани 2 ёшдан қабул қилувчи махсус гуруҳлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деди нотиқ ўз сўзида. Унинг фикрича, биринчи синфга ўқувчиларни 1 сентябрь кунигача 6 ярим ёшга тўлган ҳолатда қабул қилиниши тўғри бўлади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари учун **бепул нонушталар** ташкил этиш, ўқувчилар учун жамоат транспортларидан фойдаланиш-ни бепул асосда йўлга қўйиш лозим.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИГА НИМА ЕТСИН!
Бу йўналишда аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларига дахлдор бўлган қарорлар қабул қилишда парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан жамоатчилик маслаҳатшувини ўтказиш механизми жорий этиш таклиф қилинди.
Бу тартиб ўрнатилса, ижтимоий адолатни таъминлаш, турли иқтисодий найрангларнинг олдини олиш қанчалар кучайишини тасаввур қилиш мумкин. Умуман, номзод ўз нутқида давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг бевосита иштироки кенгай-тирилишига урғу қаратди.

Яна бир гап. Фуқароларнинг судларда Халқ маслаҳатчилари сифатида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш чораларини кўришнинг ҳуқуқий асослари масаласига тўхтаб ўтилди.
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНЯПТИМИ?
Мақсуда Ворисованинг сайловолди дастури тафсилотлари ҳақидаги фикрларини тинглаб ўтирар эканман, беихтиёр бизда фуқаролик жамияти ривожланаяптими ўзи, деган савол ҳаёлга келди. Чунки, номзод томонидан илгари сурилаётган ғоя ва таклифлар бу борада ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозимлигидан дарак беради.
Қисқача айтганда, аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали ва адолатли шакли сифатида, маҳалла тизимини ривожлантириш, маъмурий, ижтимоий, экологик, маданий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда фуқаролик жамиятлари институтларининг тўлиқ иштирокини таъминлаш масаласига асосий эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайди Мақсуда Ворисова.

Тасаввур қилаяпсизми, ҳозирги кунда бундай ҳолларда маҳалланинг иштирокисиз шаҳар ёки туман масъуллари ўз фикрига таяниб қарор қабул қилади, ҳатто қишлоқларга ном бериш, уларни маъмурий ҳудудларга (МФЙларга) ажратиш сингари масалалар ҳам одамларнинг розилиги ва иштирокисиз ҳал этиб юборилган ҳолатлар йўқ эмас.
Яна бир эътиборга молик жиҳат, қабул қилинаётган қонун ва қонун ҳужжатлари,

давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошқора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш лозим.
Ворисова хоним бу борада ҳам ўз қатъиятини яширмади: прокурор томонидан ҳоким қарорига нисбатан 3 маротаба асосли протест киритилган тақдирда **ҳокимнинг ишда қолиш-қолмаслигини депутатлар ҳал қилиши шарт**.
Эътибор бераяпсизми, ХДП номзоди жиддий таклифлар айтаяпти, сайловда шунчаки иштирокчи бўлиш ниятида эмас, **кураш жиддий бўлади**.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОН
Тўғрисини айтиш керак, Президентликка номзоднинг салоҳиятини яққол намоён қиладиган жиҳат – бу халқаро саҳнада рўй бераётган воқеаларни нозик илғаб, ташқи сиёсат векторини тўғри йўналтиришидир.
Шунинг учун ҳам одатда номзодларнинг сайловолди дастурини ўқиганда, сиёсатшунослар ҳазиллашиб, ичкарини ҳаммамиз биламиз, ташқарини ўқинглар, деб ташқи сиёсатга доир таклиф ва фикрлар, билишни иштаҳи.
Жиддий айтганда, ХДПдан Президентликка номзод Мақсуда Ворисова дастурининг ташқи сиёсатга оид қисмида янги фикрларни, ёндашувларни кўриш мумкин.
Хусусан, у ўз нутқида олти маротаба “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги” тушунчасини ишлатди. Бошқа сиёсий кампаниялар, гуруҳлар, ташкилотлар билан алоқалар борасида сўз очгани йўқ.

Бу шундан далолат берадики, Мақсуда Ворисова йиллар давомида шаклланган иқтисодий, ижтимоий алоқалардан фол фойдаланиб, ҳамдўстлик давлатлари билан муносабатларни фаоллаштириш тарафдори. Бошқача айтганда, насия гапларга ишониб, турли халқаро ташкилотларнинг ноғорасига ўйнамоқчи эмас, **у нақд гапларга кўпроқ ишонади**.
Номзод, шунингдек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларга қўшилиши лозим, деб ҳисоблайди.
Сувнинг бошида ўтирган қўшни давлатлар билан ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқиш, музокаралар столига ўтириш лозим – Мақсуда Ворисованинг ушбу масалаларга доир фикрларини умумлаштирганда шундай маъно чиқади.
...Ёрқин ва самимий чиқиш бўлди. Ҳатто тадбир якунида ўтказилган матбуот анжуманида журналистлар томонидан билдирилган қитмир саволлар, илмоқли луқмалар ҳам Мақсуда Ворисовани мувозанатдан чиқармади. Тўтирмай, фикрини йўқотмай, равон ва содда жавоблар берди. Ким қандай шарҳлаши, турли-туман талқинларнинг пайдо бўлиши – табиий ҳол ва бошқа нарсас. Асосийси, номзод **узоқ ва шарафли курашга ташна, айни пайтда тайёр**.
Кундалик ҳаётимизда шунча ғоялар, ташаббуслар учун бўшлиқ, эҳтиёж борлигини тушундим. Бу ғоялар амалга ошса, мамлакатимиз янада ривожланади ва қудратли бўлади, ривожланади.

Саид БОБОЕВ, шарҳловчи.

АНИҚ МАҚСАД, КУЧЛИ АЪЗОЛАР

Сўз — Қурултой делегатларига!



Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Бандлик ва меҳнат
муносабатлари
вазири ўринбосари:

— Президентликка номзод Мақсуда Ворисовани анча йиллардан буён яхши танийман. Бундай дейишимнинг боиси, у қаерда ва қандай лавозимда ишламасин доимо халқ дарди билан яшаган. Бунини номзоднинг ташаббуси билан аҳолини қийнаб келаётган кўплаб муаммолар ҳал бўлганидан ҳам билиш мумкин. Номзодимизнинг дастурини эшитдик. Унда моддий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни давлат томонидан жорий қилиш масалаларига алоҳида урғу берилган.

20 йиллар давомида меҳнат миграциясига салбий муносабатда бўлганмиз. Бу ҳақиқатдир. Номзоднинг дастурида мигрантларни ўқитиш масаласида ҳам янгича ташаббус ва таклифлар илгари сурилган. Бу кўплаб чет элларда ишлаш истагида бўлганларга катта имкониятлар беради. Яъни, чет элларда ишлаш истагида бўлганлар касбларга ўқитилиб, малакага эга бўлгандан сўнг ишлашга юборилмоқда. Бу яхши, албатта. Номзодимизнинг дастурида мигрантлар учун ҳам бир қатор энгилликлар яратиш таклифи илгари сурилган. Номзодимизнинг дастури ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиб, халқимизнинг манфаатларига хизмат қилади.



Шавкат АЮПОВ,
Ўзбекистон
Қаҳрамони:

— Номзодимизнинг асосий мақсади мамлакатимизда ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос бўлган давлат ва жамият барпо этишга қаратилганлиги ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир.

Номзоднинг дастурида тўққизта йўналишда таклиф ва ташаббуслар илгари сурилган. Булар мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиладиган асосий вазифалар ҳисобланади. Мен айнан номзодимизнинг дастуридаги иқтисодий йўналишларда белгиланган вазифалар тўғрисида ўз фикримни билдирмоқчи эдим.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояни таъминлаш учун иқтисодий ислохотларнинг самараси устувор бўлиши керак. Шу жиҳатдан номзод дастурида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишда, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш зарурлиги белгиланган. Шу асосда кам таъминланган оилаларга бўладиган ижтимоий ҳимояни кучайтиришга эришиш мумкинлиги аниқ кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, аҳолининг даромадига қараб табақалаштирилган солиқ солиш тизимини жорий этиш, ижтимоий нафақалардан юқорироқ меҳнат ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринлари яратиш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг шахсий ташаббуслари ва уддабуронлигини рағбатлантириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёжи билан боғлиқ ҳамёнбоп товар ва хизматлар, арзон уй-жой ва коммунал хизматлар билан таъминлаш, пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатлайдиган мақбул тизимни шакллантириш каби таклифлар илгари сурилмоқда.

Шунингдек, дастурда ўрта муддатли истиқболда кам таъминланган аҳоли қатламлари улушини камида 2 баробар қисқартириш мақсадида камбағалликни бартараф этиш бўйича самарали ишларни амалга ошириш, самарали молиявий ва солиқ имтиёзларини қўллаш сингари муҳим вазифалар белгиланган.

Энг асосийси, бу мақсадларнинг барчаси партияимизнинг сиёсий платформасига тўлиқ мос келади.

— Номзоднинг сайловолди дастурини эшитдим, ўқидим. Унинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайман. Шу билан бирга, таълимга тааллуқли 6-банд бўйича айрим таклифларим бор эди.

Аввалло, мактабгача таълим масаласидаги вазифаларга эътибор қаратиш лозим. Чунки ушбу босқич жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Биламизки, инсон 5-6 ёшгача энг катта ахборотни қабул қилади, дунёни англайди, танийди. Бу даврда инсон мияси бўш бўлади, уни тўғри таълим-тарбия билан тўлдирish аҳамияти юқори. Шу жиҳатдан, мактабгача таълимга борган болалар билан бормаганлари ўртасида катта фарқ бўлади.

Муассасага 2 ёшдан болаларни бериш ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Чунки улар орасида талабалар ёки ишлаб рўзғор тебратиши керак бўлганлар бор. Айни пайтда болалар боғчалари қабул қилмагани боис катта харажатлар эвазига яқка тартибда бола қаровчи ёлмоқда. Шунинг учун мазкур таклифни қўллаб-қувватлайман.

Яна бир жиҳатга эътибор қилдим. Авваллари етти ёшдан мактабга қабул қилинар эди. Ҳозир эса фақат шу йилда туғилганларгина биринчи синфга олинмоқда. Яъни, 31 декабрда туғилган бўлса, биринчи синфга қабул қилинади, лекин 1 январда туғилса ҳам қабул қилинмайди. Узимизда ҳам шу жараён кузатилди. 11 январда туғилган набирам нафақат ўқиш ва ёзиш, ҳаттоки чет тилини ҳам биларди. Лекин уни мактабга қабул қилишмади. Чунки тизим рақамлаштирилган.

Тўғри, ушбу тизим коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш учун йўлга қўйилди. Бироқ иқтидорли болалар учун имконият яратилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Шунинг учун номзоднинг мазкур масалалардаги таклифларини қўллаб-қувватлайман.

Олий таълим йўналиши йиллар давомида олинган билимлар йиғиндисини умумлаштириш ва мутахассис тайёрлашни англатади. Шунинг учун таълим сифатига эътиборни кучайтириш керак. Афсуски, кўпчилик билим олиш учун эмас, диплом учун ўқийди ва ушбу жараён давом этмоқда. Бакалавр йўналишини битириб, магистратурага кирганлар билан суҳбатлашамиз. Кўпчиликнинг билими саёз. Вилоят ОТМдан келиб марказдаги университетларга келишган, тест топириб ўқишга киришган. Бироқ билим йўқ. Бизга билимли одам керак, дипломли эмас. Бунинг сабаби мактаблардаги педагогларда билим етарли эмас. Ваҳоланки, бу таълим энг муҳим босқичларидан саналади. Агар ўқитувчи ўз фанини яхши билган ҳолда дарс ўтса, болада ўша фанга қизиқиш, меҳр пайдо бўлади.

Яна бир оғриқли масала эса бугун пора билан ўқишни битирган талаба эртага мактабга ёки бошқа таълим муассасасига бориб, ўзидан ҳам билимсизроқ, порахўрроқ авлодни тарбиялайди. Бу ҳақиқий жиноят, бу ҳақиқий фожиа, деб ҳисоблайман. Таълим тизимида қилиниши зарур бўлган ишларимиз ҳали кўп. Шу жиҳатдан номзод илгари сурган ташаббус ва ғоялар ҳаётийлиги билан аҳамиятлидир.

— Аёллари эъозланган юртда, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари учун шарт-шароитлар яратилади. Мен тўлақонли демократия деганда, аёллар нафақат овоз бериш ва сайлаш ҳуқуқига эга бўлиши, балки сайланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлишларини тушунаман.

Парламентда ёхуд маҳаллий Кенгашларда хотин-қизларнинг депутат сифатидаги иштирокига бугунги кунда ишонч ортган, уларда ташаббускорлик беқийс.

Президент сайловида аёл номзоднинг иштироки демократиянинг ижобий самараси, деб ҳисоблайман ва қўллаб-қувватлайман. Демократик давлат қуриш, жамият фаровонлигини таъминлаш овоз беришдан бошланади. Бу жараён жамиятни қуради ва мамлакатнинг эртанги кунининг биринчи ҳаракати ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури орқали инсоннинг эътиқоди, жамият ривожини учун дахлдорлик ҳиссини англаш мумкин. Эҳтиёжмандлар манфаатларини ифодалаш инсонийлик бурчимиз.



Шохруҳ ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП
Фарғона вилоят
кенгаши раиси
ўринбосари:



Номзодимизнинг ҳаракатлари самара бериши учун
биз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак.

ВА КАТТА ИШОНЧ БИЛАН

Сўз — Қурултой делегатларига!



Элмира БОСИТХОНОВА,
Соғлиқни сақлаш
вазирининг ўринбосари:

— Юртимиз тараққиётида энг муҳим босқич бошланди, биз уни янги Ўзбекистон, деб атадик. Мазкур босқичдаги сиёсий воқеликнинг энг қизиқарли жараёни Халқ демократик партияси томонидан амалга оширилмоқда. Муҳим қиёфа ва нуқта шундаки, ҳеч қайси партия аёл номзодини илгари сурмади. Тўғри, бу катта масъулият, мураккаб йўллардан ўтишни талаб этади. Мақсадга эришиш учун эса номзодга қўллаб-қувватлаш, тиргак ва муносиб партиядошлар керак бугун...

Номзодимизнинг ҳаракатлари самара бериши учун биз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Айниқса, жойларда партиямиз фаоллари ҳар бир ҳаракатини аниқ ўйлаб, жиддий ёндашган ҳолда амалга ошириши лозим. Агар бугун биз масалага жиддий ёндашмасак, эртага овозлар, фоизлар салмоғида бу акс этади. Демак, фоизлар юқори бўлиши учун бугундан профессионал қадам қўйиш зарур. Ҳар бир ҳудуддаги лидерларимиз эндиликда янада фаол бўлиши талаб этилади.

Дастурга келадиган бўлсак, номзодимиз асли касби шифокор бўлгани учун бу соҳани чўқур билиши сезилади. Режа ва мақсадлардаги профессионал ёндашув ҳамда унда кўтарилган ҳаётини масалаларнинг ҳар бири

муҳим аҳамият касб этади. Яна бир гап. Номзод давлат томонидан қафолатланган тиббий хизматдаги муаммоларни чўқур билгани боис, бу борада қилиниши зарур бўлган ишларга ўз дастурида алоҳида тўхталиб ўтган. Дори-дармонларнинг рўйхати бўйича йўлимизни белгилаб олишимиз лозим ва бу борадаги қонунга ҳам эҳтиёж катта.

Шу ўринда бир тақлимим бор. Пандемия нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда тиббиёт соҳасидаги муаммоларни кўрсатди. Хусусан, бирламчи тиббий хизмат йиллар давомида давлатнинг эътиборидан четда қолгани вирус билан курашда яққол билинди, сезилди.

Биз давлатга, ҳукуматга кўпроқ жиддий талаблар қўйяпмиз. Лекин ушбу масалада жамиятнинг роли катта эканини ҳам унутмаслик керак. Зеро, бир инсоннинг соғлом бўлиши 85 фоиз унинг ўзига боғлиқ. Шунинг учун аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантириш ва тиббий маданиятни оширишга ҳам алоҳида урғу бериш, таклифлар киритишимиз керак. Акс ҳолда, пандемиянинг кейинги зарбаларига бардос бера олмаймиз.

Мен номзодимизни шу йўналишдаги мақсадлари учун ҳам қўллаб-қувватлайман.

АҲОЛИНИНГ ДАРОМАДИГА ҚАРАБ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚ СОЛИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАРДАН ЮҚОРИРОҚ МЕХНАТ ҲАҚИ Тўланадиган Барқарор иш ўринлари яратиш, МЕХНАТГА ЛАЁҚАТЛИ АҲОЛИНИНГ ШАХСИЙ ТАШАББУСЛАРИ ВА УДДАБУРОНЛИГИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ, АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, Кундалик эҳтиёжи билан боғлиқ ҲАМЁНБОП ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР, АРЗОН УЙ-ЖОЙ ВА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ПЕНСИЯ ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚА ОЛУВЧИЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ Тўлақонли қондиришни қафолатлайдиган мақбул тизимни шакллантириш каби таклифлар илгари сурилмоқда.



Комил АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ногиронлар
жамияти Марказий
бошқарув раиси:

– Мақсуда Ворисованинг сайловолди дастурида ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларига мос келадиган бандлари жуда кўп. Инсон дунёга келар экан, албатта, орзу-ҳавас қилади. Ўқисам, ота-онамга, жамиятга фойдам тегса, дейди. Ногиронлиги бўлган кишилар ҳам шундай ўйлайди. Уларни қўллаб-қувватлаш бўйича партиямизнинг катта ишлари бор.

Хусусан, 2020 йилда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун қабул қилинишида ҳам партиямизнинг роли ва ўрни катта бўлганини алоҳида эътироф этишим лозим. Бу ишларнинг давомийлигида номзодимизнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Номзод дастурида миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси бўйича мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилгани биз учун, айниқса, муҳим.

Партиямиз ҳамиша, ҳар бир даврда, сиёсий жараёнларда ўз ўрнига эга бўлиб келган. Бу йилги сайловда ҳам фаол иштирок этади. Номзоднинг дастурини тўла қўллаб-қувватлайман.



Гулбону ҚУВВАТОВА,
Ўзбекистон Миллий
университети
талабаси, Олий
Мажлис ҚП
хузуридаги Ёшлар
парламенти аъзоси:

– Аёл – сенатор, аёл – тадбиркор, аёл – раҳбар. Эндиликда эса аёл Президентликка номзод бўлмоқда. Номзодимизнинг сайловолди дастурини диққат билан тингладим. Мен қишлоқ қизиман. Мақсуда Ворисованинг сайловолди дастурида қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича қатор таклифлар киритилгани, айниқса, қишлоқ ўқитувчиси ҳақидаги мулоҳазалари ҳаммамизга маъқул бўлгани рост. Ҳар бир қишлоқ боласи яхши билим олишга, замонавий таълимдан баҳра олишга ҳақли. Мамлакатимизни билимли, маънавий кадрлар бошқариши керак.

Қолаверса, ёш оналарнинг икки ёшгача бўлган фарзандларини мактабгача таълим ташкилотининг махсус гуруҳларига қабул қилиш ҳақидаги таклифи ҳам эътиборга лойиқ. Бу албатта, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёш оналарнинг билим ва салоҳиятини ошириш ҳамда оилалар рўзғори бутлигига катта ёрдам бўлади.

Бугун минбарга талабалар номидан ҳам чиқдим. Мана, янги ўқув йилини ҳам бошлаб олдим. Бугун кўпчилик талабалар олдида турар-жой ва ижара муаммоси турбиди. Стипендия эса ижарага ҳам етмайди. Еб-ичиш, ўқув қуроллари сотиб олиш ҳақида қандай қайғуриш мумкин? Ўйлайманки, дастурдан ўрин олган таклифлар минглаб талабалар номзодимизни қўллаб-қувватлашлари учун етарли асос бўлади.

– Биласизми, қурултойда иштирок этиб, ўқувчилик даврларим ёдимга тушди. Вилоятимизда энг илгор депутатлар билан учрашув ўтказилган. Улардаги шижоат, сиёсий лидерликни кўриб мен ҳам депутат бўламан, сенатор бўламан, деб ўз олдимга мақсад қўйгандим. Мана, бугун йирик сиёсий ташкилот – ЎзХДП сафида фаолият олиб бораётганимдан мамнунман. Вилоятимизда партия ёш аъзоларидан кўнгилчилар гуруҳи тузилган. Улар билан партиянинг тарғибот ишларини амалга ошириб келяпмиз. Одамларга ёрдам бераётганимиздан бахтиёримиз. Ёшлар муаммоларини ўрганишга, уларга биргаликда ечим топишга ҳаракат қилияпмиз.

Номзоднинг сайловолди дастурида ёшлар масалаларига алоҳида урғу берилганини таъкидлашни истардим. Салоҳиятли, билимли ёшларнинг давлат идораларида кўпроқ ишлашлари борасидаги таклифларини тўла қўллаб-қувватлайман. Тенгдошларимизга фойдали ғояларни маҳалла-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ, лозим бўлса, уйма-уй тарғиб қилиш, тушунтиришга тайёرمىз!

Тостемир ҲУДОЙҚУЛОВ,
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Гулрўх ОДАШБОЕВА.



Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

– Аввало, барчангизни куни кеча кенг миқёсда нишонланган мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами билан муборақбод этаман. Партиямиздан илк бор аёл номзоднинг кўрсатилиши биз, аёлларга ғурур ва ифтихор бағишлади. Номзод Мақсуда Ворисова Қонунчилик палатасида ҳам Оила ва аёллар комиссияси раиси сифатида салмоқли ишларни амалга оширди. Хусусан, хотин-қизларни таъйиқлардан ҳимоя қилиш, гендер тенглик, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, оилавий ажримлар борасида кўплаб ташаббусларни илгари сурди. Номзодимизда билим, шижоат, қатъийлик бор.

Биз партиядошлар унинг сайловолди дастури тақдиротини диққат билан кузатдик, кўрдик. Унинг ҳар бир банди ижтимоий ҳимояга йўғрилганини таъкидлаш лозим. Мисол учун, дори воситалари нархларини мақбуллаштириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бозор иқтисодиётида нарх-навонинг ошмаслиги, ҳудудий дастурларнинг давлат дастурларига татбиқ этилишини таъминлаш масалалари ўрин олган. Имконияти чекланган, кам даромадли оилаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида хорижий тажрибаларнинг ижобий томонларини татбиқ этиш масалалари илгари сурилгани билан аҳамиятли. Бу, албатта, электоратимиз манфаатларига хизмат қилади.

Номзодимиз кўтариб чиқаётган масалалар халқимизнинг ҳозирги кунидан олингани учун асосли ва кучли, деб ҳисоблайман.



ИРОДАЛИ ВА МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ ТАҚДИРЛАНДИ



Тошкент халқаро аэропортида Токио паралимпиадасида 19 та медални қўлга киритган Ўзбекистон делегациясини давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият ва санъат намояндлари, паралимпиячиларимизнинг ота-оналарини тантанали тарзда кутиб олишди.

XXXII ёзги Олимпиада ўйинларидаги спортчиларимизнинг ғалабалари, музаффарлик онларининг ҳали ҳовури босилмай туриб, Токио шаҳрида ўтган XVI ёзги паралимпия ўйинларида зафар қучган иродали, матонатли спортчиларимиз кўнгилларимизни тоғдек кўтариб, бахтиёрли ва шуқуҳли лаҳзаларни ҳаёда этди.

Ўзбекистон фарзандлари дунёнинг энг нуфузли спорт мусобақасида жуда муносиб иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, XVI ёзги паралим-

пия ўйинларида Ўзбекистоннинг 48 нафар паралимпиячиси 8 та спорт тури – параенгил атлетика, парасуши, парадзюдо, паратаэквондо, параўқ отиш, парапауэрлифтинг, параканоэ ва параэшшак эшиш каби спорт турларининг 55та йўналиши бўйича ўтказилган мусобақаларда 8 олтин, 5 кумуш ва 6 бронза медалини қўлга киритиб, 160 дан ортиқ давлат орасида 16, МДХ ва Осиё мамлакатлари ичида 4, туркий тилли давлатлар орасида 2, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

Тантанали тарзда халқаро аэропортда кутиб олинган спортчилар махсус автобусларда «Янги Ўзбекистон» боғи томон йўлга тушди. Боғ марказидаги монументда ўтган тақдирлаш маросимида ғолибларга XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида ғолиб бўлган спортчиларимизга берилгани каби Президент совғалари топширилди.

Олтин медаль соҳибларига 200 минг доллар, 3 хонали уй ва Tahoe автомобили, кумуш медаль совриндорларига 100 минг доллар, 2 хонали уй ва Traverse автомобили,



бронза медаль эгаларига 50 минг доллар, 2 хонали уй ва Trailblazer автомобили топширилди.

Муаззам мажмуанинг кенг майдонида бўлиб ўтган тантанали маросимда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Нуриддинжон Исмоилов, Бош вазир Абдулла Арипов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид, ота-оналар номидан сўз олганлар паралимпиячиларимизнинг бу юксак ғалабаси халқимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлагани, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг улкан самараси эканини таъкидлади.

Ғолиб ва совриндор спортчиларимиз номидан сўзга чиққан Учқун Қуронбоев ва Гулжанои Наимова халқимизнинг ишончи, эътибор ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**



“Биринчи қўнғироқ” тадбири ўтказилди

Шу йилнинг 6 сентябрь куни Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги 121-умумий ўрта таълим мактабида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида “Биринчи қўнғироқ” тадбири ўтказилди.

Унда туман ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлиги академияси мутасаддилари, Қуролли Кучлар академияси курсантлари, туман халқ таълими бўлими, “Катта Қорасув” МФЙ ҳамда Миллий гвардия ходимлари иштирок этди.

Мазкур мактаб 2021/2022 ўқув йилини 850 нафар ўқувчи билан бошлади.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шавкатбек Иргашев ва Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи, полковник Рустам Ҳотамов ўқувчиларни янги ўқув йили билан табриклаб, мактаб кутубхонасига бадий китоблар тўпламини совға қилишди.

Тадбирда 1-синф ўқувчиларига “Президент совғаси” тантанали равишда топширилди. Шундан сўнг 11-синф ўқувчилари иштирокида “давра суҳбати” ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД БОЗОРИ

БОЗОРЛАР АЗАЛДАН ЮРТ КЎРКИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИБ КЕЛИНГАН. УЛАРНИНГ ТЎКИН-СОЧИНЛИГИ ЭСА ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ. ШУ САБАБЛИ ХАЛҚИМИЗ БУ МАСКАНЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШГА, САРАНЖОМ-САРИШТАЛИГИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛАДИ.

МАЪЛУМКИ, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ УСЛУБДА ВА БАРЧА ШАРОИТЛАРГА ЭГА БОЗОРЛАРНИ БАРПО ҚИЛИШ БОРАСИДА ҲАМ ИЗЧИЛ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР ЭСА ХАРИДОР ВА СОТУВЧИЛАРНИНГ САВДО ХИЗМАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР. БУНИ БЕРУНИЙ ТУМАНИДАГИ “ШОББОЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ” МЧЖ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ КЎРИШ МУМКИН.

– Президентимизнинг 2019 йил 27 мартдаги “2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди “Шоббоз деҳқон бозори” МЧЖ раҳбари Меҳробжон Мадияров. – Мазкур қарор ижросидан келиб чиқиб, туманимиз ҳокими Отабек Сапарбоев бошчилигида кенг имкониятларга эга савдо мажмуаларини қуриш, меъморий қиёфасини яхшилаш, замонавий савдо инфратузилмасини шакллантириш, қуриш, бозор фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида эса аҳолига кенг қулайликлар яратиш, хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш, юртдошларимиз савдо маданиятини, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ҳаётага татбиқ этилаётир.

Сўхбатдошимиз — “Шоббоз деҳқон бозори” МЧЖ раҳбари Меҳробжон Мадияров 1980 йил 13 апрелда Беруний туманида туғилган. 2012 йилда Нукус давлат университетининг иқтисодиёт факультетини тамомлаган. Ота-

си Муҳаммаджон ака Беруний туманидаги обрўли ва эътиборли инсонлардан бири бўлиб, узоқ йиллар давомида Матлубот савдо жамияти раиси сифатида фаолият юритган. Онаси Ёқутжон опа уй бекаси сифатида бутун умрини фарзандлар тарбиясига бағишлаган. Улар фарзандлари Музаффар, Меҳробжон, Юлдузхон ва Наргизани ёшлигидан билим олиб, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишди. Бу эзгу мақсад йўлидаги саяё-ҳаракатлар ўзининг натижасини берди. Бугун уларнинг барчаси ўқимишли, туманда нуфузли лавозимларда фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 40 нафарга яқин набиралари бор.

Меҳробжон Мадияров туман депутати сифатида ҳам хайрли ишларни амалга оширмоқда. 2012 йилда университетни тугатиб, “Беруний Файз” МЧЖда иш бошлади ва 2018 йилгача бўлган давр мобайнида етарлича тажриба тўплади. 2018 йилдан “Шоббоз деҳқон бозори” МЧЖ раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқда.

— Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан бозорларда ҳам жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда, – дейди сўхбатдо-



шимиз. — Бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик ривожига қаратилаётган эътибор ҳам ўзининг натижасини бермоқда. Бозорда тадбиркорларга барча шарт-шароитларни яратиб, уларга яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилаёпмиз. Илк бор бу ерда иш фаолиятини бошлаган кезларимда 350 нафар тадбиркор учун савдо дўконларини қуриб ишга туширган эдик. Айни кунларда 1000 нафарга яқин тадбиркор учун савдо шаҳобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилаётир. Бу Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан тумандошларимизга муносиб тўхфа бўлди, деб ўйлайман. Келажакдаги режаларимиз улкан, тадбиркорликни янада кенг йўлга қўйиш, инвестициялар киритиш, савдо мажмуаларини замон талабларига мос ривожлантириш борасида қўллаб-қўллашларини ишлаб чиққанмиз. Ана шундай лойиҳаларимиздан бири амалга ошса, яъни агарда чет элдан 1 миллион долларлик инвестиция киритсак, яна 500 нафар тадбиркор учун қўшимча савдо шаҳобчаларини ишга туширамиз. Бозоримизда ёшлар учун ҳам шароитлар яратилган бўлиб, 23 нафар яқин йигит-қиз доимий иш билан таъминланган.

Улгуржи савдо ҳам йўлга қўйилган, 3,7 гектар ер майдонида турли маҳсулотлар учун алоҳида кенг, ёруғ павильонлар ажратилган. Бозордаги мўл-кўлчилик, тартиб ва озодаликдан кўнглингиз яйрайди. Бозоримиз кечаю-кундуз эл хизматида, нархлар ҳар доим назорат қилиб борилади. Бунда иқтисодчи Ғофур Юсуповнинг, иш юритувчи Мухиддин Алламовнинг, назоратчилар Аҳмад Рўзиметов ва Шўхрат Матюсуповнинг хизматлари айнисса, катта.

— Кўп йиллардан буён бозорда савдо билан шўғулланаман, – дейди тадбиркор Атиргул Машарипова. — Аввалари йўлақлари тор, айникса, ёмғирли кунларда сув ва лой бўлиши сотувчи ва харидорларга қийинчиликлар туғдирарди. Ҳозирги шароит учун бозор маъмуриятдан мамнунмиз, савдо қилишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларини Ватанимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги билан муборакбод этаман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

**Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.**



Реклама ўрнида.

*Байрамингиз билан
табриклаймиз!*

«XORAZMAVTOTEKHIZMAT» M.CH.J **жамоаси**

*халқимизни ҳамда мижозларимизни мамлакатимиз
Мустақиллигининг 30 йиллиги билан чин дилдан қутлайди.
Ушбу шукуҳли кунларда сизга бахту иқбол,
омонлик тилашдан мамнунмиз.*



Хоразм вилояти

«XIVA-PIRNOXOS QURILISH» **хусусий корхонаси жамоаси**



*юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг
30 йиллиги билан чин дилдан табриклайди.*

*Истиқлол буюк неъматдир. Уни кўз қорачигидек асраш,
келажак авлодларимизга озод ва обод Ватан қолдириш
муқаддас бурчимиздир.*



Sotuvda kelishilgan narxda